

УДК 616.831-005.615.84

**РУҲИЙ ФАОЛ МОДДАЛАРГА ТОБЕ ШАХСЛАРДА ДЕПРЕССИВ  
БУЗИЛИШЛАР ВА ТЕРАПЕВТИК ИСТИҚБОЛЛАР**

**Рахимова З.К**

*РИРСИА тиббиёт марказининг психиатрия хизмати бўйича Бухоро вилоят  
филиали <https://orcid.org/0009-0009-8403-0357>*

**Эргашева Ю.Й**

*Бухоро давлат тиббиёт институту [yulduz\\_ergasheva@bsmi.uz](mailto:yulduz_ergasheva@bsmi.uz) <https://orcid.org/0009-0002-2523-2660>*

**Резюме:** Ушбу илмий тадқиқотда биз сўнги 3 йил ичида руҳий фаол моддаларга тобе шахсларда депрессив бузилишларни ташхислаш ва даволашда эришилган ютуқларни муҳокама қиламиз. Ташхисда депрессияни етарли даражада баҳолаш ва даволашга ёрдам берадиган муҳим омиллар сифатида психиатрик ва тиббий коморбидликка алоҳида эътибор берилди. Депрессияга хос психотерапия, антидепрессантлардан доимий фойдаланиш ҳамда даволаш усуллари бўйича ҳам муҳокама қилинади. Руҳий фаол моддаларга тобе шахсларда даволаш билан боғлиқ селектив серотонинни қайтариб олиш ингибиторларидан фойдаланганда антидепрессантларнинг хавфсизлиги кўриб чиқамиз.

**Калит сўзлар:** руҳий фаол моддаларга тобелик, депрессия, антидепрессант

**Долзарблиги:** Дунё бўйлаб депрессия жуда кенг тарқалган жиддий соғлиқни сақлаш муаммосидир. 12 ой ичида асосий депрессив бузилишнинг тарқалиши 6,6% ни ташкил қилади ва ҳаётда — 16,2%, бу аёлларда эркакларникига қараганда икки баравар тез-тез учрайди ва сезиларли бузилишларни келтириб чиқаради.

Касалликнинг бошланиш ёшига қараб тақсимланиши руҳий фаол моддаларга тобе шахсларда депрессия ҳаёт давомида кенг тарқалганлигини кўрсатади. Руҳий фаол моддаларга тобе шахсларда депрессив бузилиш нафақат бошқа сурункали касалликлар (масалан, онкологик касалликлар, артрит, астма ва диабет) билан таққосланганда соғлиғининг ёмонлашишига олиб келади, балки ушбу касалликлар алоҳида юзага келадиган вазиятга нисбатан ушбу кўшма касалликлар учун ўртача соғлиқ кўрсаткичларини сезиларли даражада ёмонлаштиради. депрессив бузилишда муҳим хулоса шуки, бу бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари руҳий фаол моддаларга тобе шахсларда депрессия мавжудлигини эътиборсиз қолдирмасликлари керак.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Депрессиянинг барча турдаги гиёҳвандлик ва улар билан боғлиқ касалликларда (шу жумладан спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш) даволаш самарадорлигини оширишга қаратишдир.

Тадқиқот материали: Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти наркология хизмати бўйича филиалидан 2023-2025 йилда такрорий мажбурий даволанишга ётқизилган 32 ёшдан 60 ёшгача бўлган 20 нафар бемор, шундан 15нафар сурункали алкоғолизм ва солиштириш гуруҳига 5 нафар гиёҳвандликга тобе беморларларда тадқиқот ўтказилади.

Натижалар ва муҳокама.

Гиёҳвандликка қарам бўлган шахслар билан боғлиқ антидепрессантлар самарадорлигини баҳолайдиган бўлсак, барча иккала гуруҳ беморларимиз тадқиқотдан ўтди. Тадқиқотда антидепрессантлар депрессия кузатилган руҳий фаол моддаларига қарам бўлган шахсларда ижобий таъсир кўрсатади, бироқ, бу тадқиқот ўртасида бир қатор муҳим фарқлар мавжудлигини намоён қилди. Натижалар шуни кўрсатдики, антидепрессантлар фақат 10 кун муддатда қабул қилган 8та (40%) беморга қисқа муддатли таъсирга этди.

Аксинча, юқоридаги беморлардан фарқлироқ 30 кун мобайнида антидепрессант олган 12та (60%) беморларимизда гиёҳвандликка бўлган хуморлик пасайди, тушкун кайфият ва хавотир пасайди бу шундан далолат берадики, антидепрессант узоқ муддатда давомида қабул қилган беморларда ўз натижасини ижобий кўрсатди.

Хулоса. Антидепрессантлар айниқса психотроп дори воситалари билан таққослашдан қатъий назар, қисқа муддатда бўлса ҳам ўз самарадорлигини тасдиқлади. Шу билан бирга гиёҳвандликдаги психоактив моддалар учун қарамлик даражасини пасайтирди.

Гарчи бизнинг тадқиқотимизда кўриб чиқилган психотроп дориларни қабул қилган беморларни синчковлик билан чиқариб ташлаган бўлсак-да, бундай беморларни даволаш камида икки ҳафта давомида барқарор бўлишини таъминланиши ва ҳатто беморларнинг тўртдан уч қисми гиёҳвандликка бўлган қарамликни камайтирадиган дори-дармонларни (масалан, амитриптилин, венлафаксин, флуоксетин) терапевтик муолажалар тугатгандан сўнг ҳам қабул қилишлари керак. Ушбу тавсияларнинг амалга оширилиши антидепрессантлар ёрдамида нейромодуляциянинг бошқа усуллари психотерапия ва фармакотерапия билан бир қаторда терапевтик стратегиялар қаторида ўз ўрнини эгаллашига имкон беради.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Муссави С., Чаттерджи С., Вердес Э. и др. Депрессия, хронические заболевания и ухудшение здоровья: результаты Всемирных исследований здоровья. Lancet 2007; 370: 851–58.

2. Кошкина Е.А. Эпидемиология наркологических заболеваний. Руководство по наркологии. – М.: Медпрактика, 2002. - Т.1. - С.8-32

3. Стрелец Н.В. Клиника и лечение полинаркомании. Лекции по наркологии / под ред. Н.Н.Иванца. – М.: Медпрактика, 2001. – С.214-222

4. Рохлина М.Л., Мохначёв С.О. Психические и поведенческие расстройства, связанные с сочетанным употреблением наркотиков и других психоактивных веществ. Наркология: национальное руководство / под ред. Н.Н.Иванца, И.П.Анохиной, М.А.Винниковой. – М.: ГЭОТАР – Медиа, 2008. - С. 320-323